O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 10 декабрь, №248 (3260) Чоршанба






# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 декабрь куни Оқсаройда Польша Республикаси Президентининг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Анджей Майковскини қабул қилди.

Польша раҳбари ўтган йилнинг 20-23 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлган, Президент Ислом Каримов эса жорий йилнинг 10-12 июль кунлари Польшага расмий ташрифини амалга оширган эди.

Таъкидламоқ жоизки, ушбу ташрифдан кейин ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар кўлами салкам уч баробар ошди. 2002 йили бу борадаги кўрсаткич 12,7 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилнинг тўққиз ойида 24,3 миллион долларга етди. Муносабатларимиз 34 ҳужжат билан мувофиқлаштириб келинмоқда. Айни пайтда Польша томонидан яна 7 ҳужжат кўриб чиқилмоқда. Икки мамлакат таълим, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда, халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келяпти.

— Олий даражадаги мазкур икки ташриф мамлакатларимизда ҳамкорлик учун қанчалик катта салоҳият мавжуд эканлигини кўрсатди, — деди Ислом Каримов Оқсаройдаги учрашувда. — Сизнинг Ўзбекистонга келишингиз ҳам ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг бир белгисидир.

А.Майковски Президентлар мулоқоти чоғида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишга доир масалаларни муҳокама қилиш, янги имкониятларни ўрганиш учун мамлакатимизга келган. У қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказиб, ҳамкорлик тўғри йўлдан ривожланиб бораётганига ишонч ҳосил қилганини таъкидлар экан, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Шунингдек, меҳмон мамлакатимиз раҳбарига Польша Президентининг мактубини тақдим этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.**

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ).**

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Президентининг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Анджей Майковски раҳбарлигидаги делегация 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашди.*

## ПОЛЬША ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётгани таъкидланиб, унинг кўламини янада ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан ҳам учрашди. Маълумки, 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги ва Польша Республикаси миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий ҳамкорлик дастури имзоланган эди. Учрашувда мазкур дастур доирасидаги ҳарбий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масаласи муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов билан музокарада ўзаро алоқалар истиқболли, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашишга оид масалалар хусусида фикр алмашилди.

*Муносабат*

# Инсонпарварликда янги қадам

### 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

*Янги йил арафасида ватандошларимизнинг қалби янги бир хушхабардан нурланди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 5 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Конституциямизнинг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кириб келаётган янги — 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб аташни таклиф этди. Бу эзгу тилак бутун мажлис аҳли томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Тантанали маросимни телевидение орқали кўрган бутун Ўзбекистон халқи ҳам давлатимиз раҳбарининг таклифини юрак-юрагидан қабул этди.*

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, албатта. Эзгу саъй-ҳаракатлар, олижаноб мақсад ва ишлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Яхшиликдан яхшилик кўкаради, яхшиликлардан ҳаётга файз-барака келади, яхшиликлар ҳукмрон муҳитда бахт-саодат ниҳолларидан боғлар гуллаб-яшнайди. Тилаги, орзу-хаёллари тоза халқни Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда инсон ва унинг қадр-қиммати, манфаатлари энг юксак қадрият деб эътироф этилди. Инсонпарварлик давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг бош мазмун-моҳиятига айланди. Мамлакатда олиб борилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларда, таълим ва тиббиёт соҳаларида тобора чуқурлашиб бораётган ўзгаришларда бош мақсад — Инсон, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-жисмоний ривожланиши манфаатларидир.

Шу билан бирга, Инсон манфаатлари йили деб ном олган 1997 йилдан бошлаб навбатдаги йилларнинг ҳар бирида мана шу манфаатларнинг кўпгина катта ва кичик муаммолари аниқ давлат дастурлари асосида ҳал этиб келинмоқда. Яъни Ўзбекистонда инсонпарварлик сиёсати амалда ўзини кўрсатмоқда. Ўтган Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш йилида ёки жорий йилда амалга оширилган Обод маҳалла йилида давлатимиз раҳбариятининг мана шу амалий инсонпарварлик сиёсати жуда катта самаралар берди. Бу ютуқларимиз ҳатто халқаро миқёсда тан олинмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро Болалар ташкилоти бўлмиш ЮНИСЕФ тайёрлаган 2003 йил ижтимоий мониторинги натижаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман, инсон ҳаётини ҳимоялаш ва қадрлаш йўлида юртимизда катта ютуқлар қўлга киритганлиги эътироф этилади. Бу мўътабар халқаро ташкилотнинг эътирофи.

(Давоми 3-бетда).



*Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIII сессияси олдидан*

**Борис БУГРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ УСТУВОРЛИКЛАРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг шу йил 11 декабрь куни иш бошлайдиган ўн учинчи сессияси, шак-шубҳасиз, ривожланган бозор иқтисодиётига йўналтирилган демократик давлат барпо этишнинг пухта ҳуқуқий негизини яратиш юзасидан парламент олиб бораётган собитқадам ишларнинг навбатдаги босқичи бўлиб қолади. Ҳаётий зарур қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш жамиятни муваффақиятли тарзда ислоҳ қилишнинг муҳим шарти бўлиб, қонун бизнинг мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситасига, давлат миқёсидаги вазифаларни ҳал этишнинг таъсирчан омилига айланиб бормоқда.

Олий Мажлис депутатлари ўзларининг кундалик фаолиятларида Президент И.А.Каримовнинг парламентнинг 2002 йил августда бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясидаги дастурий маърузасида баён этилган қоидаларга амал қилмоқдалар. Маърузада Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг энг муҳим йўналишлари, барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва ноҳукумат ташкилотларнинг мамлакат тараққиётининг янги босқичидаги иши устуворликлари белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида таъкидлаб айтдиларки, "Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишдир".

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида ўртага қўйилган вазифалар амалга оширилишини таъминлаш мақсадида парламент қўмиталарининг, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарларидан иборат таркибда нуфузли комиссия – Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари бўйича парламент комиссияси тузилди. Комиссиянинг асосий вазифаси демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш юзасидан қонунчилик таклифларини ишлаб чиқишдан, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаётимиздаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада оширищдан, қонунларнинг ижроси устидан жамоат назоратини кучайтирищдан иборат деб белгилаб олинди.

Комиссия аъзолари томонидан бир қанча муҳим таклифлар илгари сурилди ва бу таклифлар тегишли қонун лойиҳаларини тайёрлаш вақтида инобатга олинди. Устуворликларга мувофиқ равишда тузилган кичик комиссиялар тасдиқланган концепциялар ва тадбирлар режалари асосида иш олиб бормоқдалар. Бу эса бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши жараёнини жадаллаштириш, давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг Ўзбекистонни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг стратегик дастурини амалга ошириш масалаларига эътиборини кучайтириш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

*2003 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдулазиз Комилов Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушга ишонч ёрлиқлари топширди.*

Ёрлиқларни топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган қисқа суҳбат чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ҳамда уларни ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашинди. АҚШ Президенти Жорж Буш икки мамлакат ўртасида муваффақиятли ривожланаётган дўстона муносабатларни юқори баҳолади ва уларнинг янада чуқурлашишига ишонч билдирди. У, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий ҳурмат сўзлари ва ўзининг энг эзгу тилакларини йўллади.

**«Жаҳон» АА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши 9 декабрь куни бўлиб ўтди. Йиғилишни ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров бошқарди.*

Йиғилишда парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишларнинг якунлари сарҳисоб қилинди. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари М.Сафоева, У.Ҳошимов ва М.Умаралиев сессия муҳокамасига киритилаётган қонунларнинг лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилганлиги ҳақида ахборот бердилар. Депутатларга сессия иш олиб борадиган кунларда ташкилий-техникавий хизмат кўрсатилиши ва зарур шароитлар яратилишини таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳал этилганлиги, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, экспертлар гуруҳларининг сессияга тайёргарлик давридаги фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис қўмиталарининг раислари ва бошқа депутатлар қонун лойиҳалари устида олиб борилган ишлар тўғрисида ахборот бериб, сиёсий партияларнинг депутатлар фракцияларидан, сайловчилардан, ташкилотлар ва муассасалардан, жамоат бирлашмаларидан кўплаб таклифлар тушганлигини маълум қилдилар. Барча таклифлар Олий Мажлис қўмиталарида диққат-эътибор билан ўрганилиб, ҳужжатларни узил-кесил маромига етказишда ҳисобга олинди.

(Давоми 2-бетда).

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси эртага, 11 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 10 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 11 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

Олий Мажлисда бугун, 10 декабрь куни соат 15.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, "Адолат" Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.*

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

5 декабрь — Конституция байрами арафасида Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов улардан бир гуруҳига ана шундай мукофотларни тантанали топширди.

Шундан сўнг тақдирлаш маросимлари бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этди.

Бу йил қишлоқ хўжалигида соҳа меҳнаткашлари улкан ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, деҳқонларимиз юртимиз ғаллачилиги тарихида илк бор 5 миллион 100 минг тоннадан кўпроқ дон етиштирди.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ аграр соҳада меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятини янада юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширищдаги катта хизматлари, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков уларга мукофотларни тантанали равишда топширди.

* * *

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар онгига юртга садоқат, фидойилик ғояларини сингдиришда санъатнинг ўрни беқиёс. Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтган тантанада ана шулар ҳақда сўз борди. Шу боис ҳам истиқлолимизнинг ўн икки йиллиги арафасида бошқа соҳалар қатори адабиёт, маданият ва санъатимизнинг бир неча етук намоёндаларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари берилган эди. Шунингдек, Президент Ислом Каримов Фармони билан миллий маданиятимиз, санъатимиз равнақига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум санъаткорлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди. Мукофот уларнинг яқинлари ва қариндошларига топширилди.

(Давоми 2-бетда).

*Болалар спорти*

# «Бу кошонада юлдузлар етишади!»



Фарғона шаҳридаги Олимпия захиралари спорт мактабининг қайта таъмирланган майдончалари, заллари, ўйингоҳларини кўздан кечирсангиз, беихтиёр хаёлингиздан шу фикр кечади. Аслида нафақат вилоятдаги, балки мамлакатимиздаги энг кўҳна спорт иншоотларидан бири ҳисобланган мазкур мактаб бу йил ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлади. Мактабда спортнинг илк тилсимларини ўрганган, сабоқ олган спортчиларнинг юздан зиёди дунё миқёсида бўлиб ўтган энг нуфузли бадиий ва спорт гимнастикаси мусобақаларида шоҳсупанинг юқори чўққиларига кўтарилишган. Фарғоналик гимнастикачилар — спорт маликалари эса сўнгги ўн йил ичида мамлакат чемпионатида иккинчи ўриндан пастга тушишгани йўқ. Яқиндагина ниҳоясига етган спорт гимнастикаси бўйича республика биринчилигида эришилган натижалар ҳам буни исботлаб турибди. Фарғоналик қизлар умумжамоа ҳисобида олтин медалга сазовор бўлишган бўлса,



ўсмир йигитчалар кўкракларига бронза медалини тақиб қайтишди.

(Давоми 3-бетда).

**СУРАТЛАРДА: Фарғона Олимпия захиралари коллежида. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# Меҳр билан юрт яшнайди

*Дарҳақиқат, ҳамма Конституциямизнинг навбатдаги санаси нишонланишини интиқлик билан кутиб турарди. Юртимизда таркиб топган анъанага биноан келгуси йил учун устувор вазифа айни шу тантанада эълон қилинади.*

*Бу сафар ҳам шундай бўлди: Президентимизнинг юксак минбардан янграган сўзлари олқишларга уланиб кетди. 2004 йил мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинди.*

*Юртдошларимиз бу муҳим янгиликни қандай кутиб олишди? Суҳбатларимиз шу ҳақда.*

*Фикр*

**Явқочди ҲАЙДАРОВ, Оқолтин иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори:**

— Президентимиз «Меҳр ва мурувват йили «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давоми бўлади. Обод маҳалла, аввало, обод кўнгилдан бошланади» деганларида яна бир бор хурсанд бўлдик. Энди ҳар бир ҳаракатимиз, қўйган қадамимиз ана шу долзарб вазифа мезонида ўлчанади. Ёрдамга муҳтож одамлар ён-атрофдаги кишиларнинг, керак бўлса, давлатнинг эътиборини яққолроқ ҳис қиладилар. Демак, аҳиллик ва барака ҳаётимизга янада файз киритади.

**Салоҳиддин САФАРОВ, «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» газеталари бош муҳаррири:**

— Шундай эзгу анъана фақат Ўзбекистонга хослигидан чексиз ғурурланамиз. Кеча куни республикадаги ҳамкасбларимдан бири атайин қўнғироқ қилиб, янги йилга қандай ном берилди, деб сўради. Меҳр ва мурувват деб аталадиган бўлди десам, ҳавас билан «Эҳ, зўр-ку!» деб юборди. Ҳа, меҳр ва мурувват бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг моҳиятини халқимизга тушунтириш биз, мафкура ходимларининг бурчи.

**Турсунбек ҒОЗИБЕКОВ, Тошкент молия институти қошидаги лицей ўқувчиси:**

— Давлатимиз раҳбари ёшларга мурожаат қилиб, ўз динини, ўз миллатини сотмаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, дедилар. Бу оташин калом юрак-юрагимиздан жой олди. Халқимизнинг энг эзгу фазилати жамият диққат марказига қўйилди. Меҳр билан юрт яшнайди, дейдилар. Бу ишда ёшларнинг ҳам улуши бўлишига асло шубҳа йўқ.

**Мукаррам АБДУРАҲМОНОВА, Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг етакчи мутахассиси:**

— Аёлларимиз ҳаётнинг таянчи, суянчи, устуни деган сўзлар «Туркистон» саройида айтилганда зални олқиш садолари тутиб кетганини телевизор орқали кўриб турдик. Биз маҳалламиздаги қўни-қўшнилар билан шу ҳақда гаплашдик. Ҳамма Юртбошимизни дуо қиляпти. Аёлини авайлаган эл, насиб этса кам бўлмайди. Биз, оналар мамлакатимизда жорий этилаётган ислоҳотларга бутун вужудимиз билан қўшиламиз. Ота-онанинг фарзандга меҳри, ёру биродарларнинг ўзаро ҳурмати, ўғил-қизларимизнинг Ватанга муҳаббати энг ширин мевалар ҳосил қилиши муқаррар.

**Ш. ЖАББОРОВ суҳбатлашди.**

*Эҳсон қилган ҳар бир нафақангиз (садақангиз) ёки атаган назрингизни, албатта Аллоҳ билади*
(«Бақара» сураси, 270-оят).

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ УСТУВОРЛИКЛАРИ

**Борис БУГРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу йўналишда парламентда тиним билмай иш олиб борилмоқда. Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси кун тартибига кўпроқ иқтисодий йўналишдаги масалаларни киритиш мўлжалланаётганлиги ҳам бежиз эмас. Депутатлар ҳукмига ҳавола этилаётган қонун лойиҳаларининг тавсифидан ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бундай лойиҳалар тавсифига ўтишдан олдин парламентда ҳар сафар декабрь ойида кўриб чиқиш анъана бўлиб қолган масала – Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилги Давлат бюджети лойиҳаси устида тўхталиб ўтиш ўринли кўринади. Давлат бюджети лойиҳасида бюджет тизимининг барқарор амал қилиши ва ривожланишига асосланган ҳолда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда изчил ижтимоий ўсишни таъминлаш масалаларига катта эътибор берилган. 2004 йилда кутилаётган макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Давлат бюджети лойиҳасининг харажатлар қисмида ижтимоий соҳага, бюджетдан таъминланадиган ташкилотларнинг ходимлари иш ҳақи миқдорларини индексация қилишга, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва ҳарбий хизматчиларга тўловларга сарфланадиган маблағларни кўпайтириш назарда тутилган. Бу йўналишдаги ишлар давлат секторидаги ходимлар сонини қисқартириш ва уларнинг умумий сонини мақбул миқдорга келтириш орқали ҳам таъмин этилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни давом эттиришга катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Мазкур дастурда, маълумки, педагог ва муҳандис-педагог кадрлар малакасини ошириш, бундай кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар, лаборатория ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари олиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳасида умумий таълим мактабларини, мактабгача тарбия муассасаларини капитал таъмирлашга ва жиҳозлашга ҳамда бунда маблағларни иситиш тармоқлари ва сув таъминотига қаратган ҳолда ишлар аниқ рўйхат бўйича қатъий амалга оширилишини таъминлашга, даволаш муассасаларининг, хусусан туғруқхоналар, юқумли касалликлар шифохоналари ва ихтисослаштирилган даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир харажатларни кўпайтириш назарда тутилган. Мазкур лойиҳада аниқ мақсадга қаратилган харажатларни кўпайтириш билан бир қаторда даромад солиғи ставкаларини камайтириш учун резервлар қидириб топилганлигини мамнуният билан таъкидлаш мумкин.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларни янада кенгайтириш мақсадини кўзловчи иқтисодиётга доир қонун лойиҳалари туркуми "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасидан бошланади. Ушбу лойиҳа ташқи савдо соҳасида давлатимиз манфаатларини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий негизини ривожлантиришга, инсофсиз, ноҳалол рақобат ҳолларининг олдини олишга қаратилган. Лойиҳада муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божларига доир Ўзбекистон қонун ҳужжатларининг асосий тушунчалари ва принциплари таърифлаб ўтилган, шунингдек бундай чораларни қўллаш тартиби белгиланган. Қонун лойиҳасининг асосий қоидаларида муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божларининг принциплари ўз мужассамини топган. Лойиҳанинг моддалари мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатлари ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига киришга тайёргарлик инобатга олинган ҳолда таърифланган.

Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божларининг турли мамлакатларда қўлланилиши амалиёти синчковлик билан ўрганилди. Хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти тизими доираларида ишлаб чиқилган божларни қўлланишнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек мазкур чоралар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тизими эътиборга олинган.

Янги таҳрирдаги "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2003 йил июнда тасдиқланган Жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертирланишини таъминлашга оид фаолият режасига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта фонди билан тузган битимда назарда тутилган мажбуриятлар ҳисобга олинган ҳолда сайқал топган.

Қонун лойиҳасида ишлатилаётган асосий тушунчалар ("валюта бойликлари", "валюта операциялари", "жорий халқаро операциялар", "капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари", "ҳосила молиявий воситалар") халқаро амалиётга ва халқаро шартномаларнинг қоидаларига мувофиқлаштирилган. "Валюта бойликлари" таърифига ўзгартиришлар киритилган.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган барча операциялар талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида шаклланадиган курс бўйича амалга оширилиши таъкидланади. Ушбу норма Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга оширишда алмашув курси кўп бўлишидек номатлуб амалиёт қўлланилмаслигига кафолат бўлади. Валютани тартибга солувчи давлат органи – Марказий банкнинг ваколатлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг валюта операцияларини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Ҳужжатда валюта операцияларини ўтказишга доир чекловларни жорий этишга сабаб бўладиган ҳолларнинг тугал рўйхати белгиланмоқда. Масалан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида, иқтисодий хавфсизликка таҳдид юзага келганда валюта операцияларини амалга оширишга нисбатан вақтинча чеклов валютани тартибга солувчи давлат органи томонидан жорий этилиши мумкин.

Парламент ўн учинчи сессиясининг муҳокамасига "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонун лойиҳаси киритилаётган бўлиб, унда хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади. Мулкдор – ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхоналар тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Хусусий корхона мулкдори корхона уставига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эга. У шунингдек, хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиши мумкин.

Мамлакатимизда энг янги ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётганлиги муносабати билан бу соҳадаги фаолиятни тартибга солишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги амалдаги қонунда ахборотлаштириш соҳасида қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг таърифи берилмаган, бу эса уларни турлича талқин қилиш ва таҳлил этишга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ахборотлаштириш соҳасининг замини ҳисобланган ахборотлаштириш тизимлари ва ресурсларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ҳуқуқий шарт-шароитлар айрим жиҳатлар бўйича етарли даражада тўлиқ баён этилмаган.

"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги янги қонуннинг лойиҳасида ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган давлат сиёсатига таъриф берилган. Лойиҳада Ўзбекистонда ахборот инфратузилмаси амал қилишининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгиловчи моддалар ҳам бор. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги амалдаги қонундан фарқли равишда янги қонун лойиҳасида ахборот ресурсларидан фойдаланиш тоифалари ва уларни аниқлаш тартиби белгилаб берилган. Шунингдек, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқларини белгиловчи моддалар ҳам киритилган.

Ривожланган мамлакатларда электрон ҳужжат айланиши тизимларида электрон рақамли имзодан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу ҳол қатор тармоқларда чиқимни камайтириш ва иқтисодиётнинг ривожлантирилишига қўшимча омил бахш этиш имконини беради. Бизнинг мамлакатимизда электрон рақамли имзодан Марказий банк тармоғида ёпиқ электрон маълумотларни ташқи таъсирдан ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

"Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонуннинг тайёрланган лойиҳасида айни бир вақтда муайян шартларга риоя этилганида электрон рақамли имзо билан қўлда ўзи қўйган имзонинг бир хил аҳамиятга эга эканлигини эътироф этишни таъминловчи нормалар белгиланган. Қонун лойиҳасида электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгаларининг, электрон рақамли имзонинг очиқ калитидан фойдаланувчиларнинг, уларни рўйхатга олиш марказларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек бундай имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш принциплари белгиланган. Лойиҳада шунингдек электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини бериш, бундай сертификатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни бекор қилиш тартиби ҳам бор.

"Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси мамлакатимиз Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат фуқароларининг турли ахборотларга нисбатан тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш учун электрон ҳужжат айланишини таъминловчи локал, корпоратив, идоралараро ахборот тармоқлари ҳамда тизимларини шакллантириш жараёни кечмоқда. Бироқ, айни пайтда бизда электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий базаси мавжуд эмас.

"Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ҳужжат айланиши тизимининг такомиллашувига, электрон ҳужжат айланишининг тезкорлиги ва самарадорлиги ошишига ҳамда қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга кўмаклашади. Лойиҳада электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий мақоми ва реквизитлари белгиланган, электрон ҳужжатнинг жўнатилган ва қабул қилиб олинган вақтига доир нормалар берилган. Қонунни биринчи ўқишда кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Кейинги вақтларда жаҳонда электрон тижоратнинг жадал ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, АҚШда тижорат битимларининг қарийб 20 фоизи ахборот тизимлари, шу жумладан Интернет орқали амалга оширилмоқда. Европа Иттифоқи, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида ва Россияда электрон савдо-сотиқ ҳажми ортиб бормоқда. Шу сабабли сессия муҳокамасига "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг киритилиши жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадамлик ифодаси бўлиб қолади. Биринчи ўқишда кўриб чиқиладиган мазкур қонун қабул қилингач, мамлакатимизда электрон тижорат соҳасидаги фаолиятнинг ҳуқуқий асоси юзага келади. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан интеграциялашувини жадаллаштириш имконияти кенгаяди.

Қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати, электрон тижоратда шартномалар тузиш шартлари ва тартиби белгилаб берилган. Электрон тижоратдаги шартнома фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

"Қизил ярим ой ва Қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Ярадор бўлганларга ёрдам кўрсатиш жамиятларини ҳар бир давлатда тузишни қонунийлаштирган ва уларнинг мақомини белгилаб берган биринчи Женева конвенцияси имзоланган 1863 йилдаёқ Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракатига асос солинган эди. Ушбу инсонпарварлик ташкилоти номидан Халқаро Қизил Хоч қўмитаси фаолият юритаётган бўлиб, унинг асосий вазифаси қуролли тўқнашувлардан жабрланганларга, ярадорлар ва беморларга, ҳарбий асирларга, фуқаро аҳолига ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Мазкур халқаро ташкилотга ҳозирги вақтда 178 та миллий жамият аъзо.

Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг минтақавий делегацияси (ваколатхонаси) 1993 йилдан бери Ўзбекистонда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан мамлакатимизнинг бутун ҳудудида Қизил Ярим ой жамияти фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарори ҳам қабул қилинган. Жамиятнинг фаолият тартиби ва Қизил ярим ой тимсолларидан фойдаланиш принциплари ушбу ҳужжатлар билан белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг фахрий президентидир.

Айтиш жоизки, тимсол Қизил Ярим ой жамияти муваффақиятли фаолият юритишида катта аҳамиятга молик. Айни мана шу тимсол халқаро ҳимоя остидаги шахслар ва объектлар жойлашган манзилни кўрсатиб туради. Женева конвенцияларига мувофиқ ушбу тимсол билан белгиланган объектларга зарба бериш ва ҳужум қилиш ҳарбий жиноят ҳисобланиб, оғир жазога сабаб бўлади. Тимсолдан, шунингдек шахслар, транспорт воситалари, мол-мулк, иншоотлар ва бошқа объектлар Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ташкилотларига мансублигини белгилаш учун ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тегишли қонунчилик базасининг йўқлиги сабабли Женева конвенцияларининг айрим қоидалари бузилаётганлиги ҳоллари қайд этилмоқда. Баъзи жойларда бир вақтнинг ўзида ҳар иккала тимсолдан фойдаланилмоқда, бундай ишлар баъзан тижорат мақсадларида ҳам қилинмоқда. Бир қанча тижорат дорихоналари ва хусусий клиникалар Қизил хоч ва Қизил ярим ой тимсолларидан фойдаланишда халқаро нормаларни бузмоқда. Бундай қоидабузарлик оқибатида тимсолларнинг қадри тушиб, маъномоҳияти бузилади. Худди мана шундай ҳоллар "Қизил ярим ой ва Қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш заруратини юзага келтирди. Лойиҳа парламент депутатлари кўриб чиқиши учун биринчи ўқишда киритилиб, кейинчалик умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

Шу кеча-кундузда бутун мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу ишга Олий Мажлис депутатлари ва парламент Котибиятининг ходимлари фаол ёрдамлашмоқдалар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов кампанияси бошланишидан аввал Олий Мажлис Кенгаши шу хусусда тегишли қарор қабул қилди. Сайловни ташкил этишга бағишлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида республика семинар-кенгаши ўтказилди.

Мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига алоҳида аҳамият берилаётганлигини инобатга олганда сайлов нормаларини унификация қилишнинг объектив зарурати юзага келган кўринади (ўтаётган сайловлар ҳам шундан далолат бермоқда). Шу муносабат билан Олий Мажлисда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уни Олий Мажлис депутатларининг муҳокамасига биринчи ўқишда тақдим этиш мўлжалланмоқда. Қонун ҳозирги тайёрланган вариантда маъқулланса, матбуотда чоп этиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинади. Бу ўринда фуқаролар йиғини раислигига ва раис маслаҳатчилигига бўлиб ўтаётган ҳозирги сайлов, шунингдек илгари ўтказилган сайловлар тажрибасини, мамлакатимиз фуқароларининг фикрини эътиборга олиш ва уларни назарда тутган ҳолда қонун лойиҳасини такомилига етказиб, узил-кесил қабул қилиш учун парламентнинг келгуси сессиясига киритиш лозим.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилади, халқаро шартномалар ва битимлар ратификация қилинади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари, Олий Мажлис Кенгашининг қарорлари тасдиқланади. Сессия шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритади.

Иккинчи чақириқ парламент ўн учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан ташкил этилган депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, тайёргарлик даврида қонун ижодкорлиги борасида барча қўмита ва комиссиялар катта иш қилдилар. Натижада жамиятдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқнинг турмушини янада яхшилашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг йирик туркуми юзага келди.

Депутатлар ишчи гуруҳи олдига навбатдаги парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштириш ҳамда жадаллик билан ҳал этиб боришдек масъулиятли вазифа қўйилган эди. Шунинг учун ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш вақтида парламент муҳокамасига киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши, сессия материалларини депутатларга барвақт етказиб беришни ташкил этиш, уларнинг таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини умумлаштириш, оммавий ахборот воситаларида парламент сессиясига тайёргарлик ишлари мунтазам ёритиб борилишини таъминлаш, ялпи мажлислар залида овоз бериш электрон тизимининг пухта ишлаши ва нотиқларнинг нутқлари синхрон таржима қилинишини ташкил этиш, журналистларни аккредитация қилиш, шунингдек сессияга келган депутатлар унумли ишлаши учун нормал маиший шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик.

Ишчи гуруҳи аъзолари жорий масалаларни муҳокама қилиш учун мунтазам равишда йиғилиб, сессияга тайёргарликнинг турли муаммолари юзасидан бошқа депутатлар билан маслаҳатлашиб турдилар. Ҳар бир депутатга барча тайёргарлик тадбирларида шахсан иштирок этиш, қонун лойиҳалари бўйича ҳам, ташкилий-техник масалалар бўйича ҳам ўз таклифини киритиш ва фикр-мулоҳазаларини билдириш имконияти таъминланди. Пировард натижада қонун лойиҳаларини, сессияга доир бошқа ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида сиёсий партиялардан сайланган депутатлар фракцияларининг, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Тайёргарлик ишларини якунлаб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланганлиги, улардаги юксак профессионализм ва ишга масъулият режалаштирилган барча тадбирларни қатъий белгиланган муддатларда ниҳоясига етказиш имконини берди. Ишончим комилки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси сиёсий, профессионал ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда, муваффақиятли ўтади.

# Партия фракцияларида

Кеча Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раиси А. Турсунов бошқарган йиғилишда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан фикрлашиб олинди ва улар қўллаб-қувватланди. Депутатлар, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида қизғин мулоҳаза юритдилар. Шундан сўнг Фракциянинг 2003 йилдаги фаолияти бўйича депутат Ш. Умарованинг ахбороти тингланди. Унда таъкидланишича, ҳисобот даврида қонун лойиҳалари бўйича 300 дан зиёд таклифлар тегишли қўмиталарга тақдим этилган. Қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида бу таклифларнинг аксарияти эътиборга олинган.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***

Шу куни Ўзбекистон ХДПнинг ҳам Олий Мажлисдаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакат парламентининг XIII сессияси билан боғлиқ масалалалар юзасидан фракция вазифалари кўриб чиқилди. Йиғилишни олиб борган фракция раиси Изидор Кочмарик сессиянинг таклиф этилган кун тартиби ва унга тақдим этилаётган қонунлар лойиҳаларининг мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари Жамшид Кўчқоров 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий жиҳатлари тўғрисида сўзлаб, депутатлар саволларига жавоб берди. Муҳокамаларда қатнашган Олий мажлис депутатлари парламентимизнинг навбатдаги сессияси кун тартиби ва унда кўрилиши кўзда тутилаётган қонунлар лойиҳаларини маъқулладилар.

***

Кеча "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракциясининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Иброҳим Ғафуров бошқариб борди. Йиғилишда парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Раҳмонқул Каримов XIII сессия муҳокамасига киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюжети лойиҳаси тўғрисида сўзлаб берди. Сўнгра лойиҳа депутатлар томонидан кенг муҳокама қилинди. Шу жараёнда билдирилган кўплаб саволларга жўяли жавоблар олинди.

Фракция йиғилишида "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг парламентдаги фракциясининг 2003 йилги фаолияти, шунингдек, келгуси йилга мўлжалланган режалари ҳам кўриб чиқилди. Навбатдаги сессия кун тартибидан ўрин олган қонунлар лойиҳалари бўйича партиянинг нуқтаи назари билдирилди. Пировардида анжуман кун тартиби бир овоздан маъқулланиб, кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Кўпгина марҳум санъаткорлар қаторида отамнинг меҳнати ҳам қадр топганидан бошимиз кўкка етди, — деди машҳур актёр Раҳим Пирмуҳамедовнинг қизи Башорат опа. — Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Миллий матбуот марказида ўтган тадбирда эса бугун Ватанимиз эришган ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган бетакрор ўзгаришларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги таъкидланди. Жамиятимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни халққа тезкор ва холис етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу куни матбуотимизнинг бир гуруҳ фидоийларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган тантанага Ватанимизнинг орден ва медалларига, фахрий унвонларига сазовор бўлган фан, таълим ва тиббиёт ходимлари йиғилди.

Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Тарих институти директори Д.Алимова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзларининг камтарона меҳнатига берилган юксак баҳо учун мамлакатимиз раҳбарига барча мукофотланган ҳамкасблари номидан миннатдорлик изҳор этди. Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида ҳам Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган спортчи ва мураббийларга фахрий унвон, орден ва медаллар топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов топширди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ишчи гуруҳи раҳбарининг таъкидлашича, парламент сессиясига киритилаётган масалалар орасида мамлакатимизнинг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Бюджет лойиҳасида иқтисодиётдаги солиқ юкини янада камайтириш, бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлик даражасини кучайтириш, шу жумладан аҳолининг ҳар тарафлама ишончли тарзда ижтимоий ҳимоя этилишини таъминлаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга ошириш ишларини молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни кўпайтириш асосий устуворлик этиб белгиланган. Мазкур лойиҳа Олий Мажлиснинг барча қўмита ва комиссияларида кўриб чиқилди, уни сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари ва депутатлар блоклари йиғилишларида муҳокама қилиш назарда тутилган.

Бир қанча қонун лойиҳалари ахборот тизимлари ва технологияларини янада ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу тизим ва технологияларни мукаммал эгаллаш мамлакатимизни XXI асрда ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Депутатлар ҳукмига ҳавола этилаётган "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, шунингдек, бошқа қонун лойиҳаларида ана шу соҳалардаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асослари назарда тутилган.

Йиғилишда қонун ҳужжатлари лойиҳалари устида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тушаётган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни диққат билан ўрганиб, ҳисобга олиш, парламентнинг самарали иш олиб боришини таъминлаш юзасидан белгилаб олинган тадбирларни изчил амалга ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

**ЎзА.**

Кеча Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Дастлаб парламентнинг XIII сессия кун тартибига киритилган масалалар билан депутатларни Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Аҳтам Турсунов таништирди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонунларнинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди. Вилоятда бу борада амалга оширилаётган талай ишлар тилга олинди. Жумладан, ота-оналар ва ёшлар орасида тарғибот ишлари мунтазам олиб борилганлиги натижасида 2003 йилда 36 нафар йигит олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кирган. Қонун ижросининг бажарилиши борасида йўл қўйилган камчиликлар ҳам депутатлар диққат марказида бўлди.

Шунингдек, йиғилишда қонун ижроси учун сўз билан эмас, амалий иш билан изчил шуғулланиш лозимлиги таъкидланди. Тегишли мутасаддилардан муаммолар ечимини ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар сўралди. Шунингдек, йиғилишда ҳар иккала қўмитанинг келгуси йилги иш режалари белгилаб олинди.

# Қўмиталарда

Кеча Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси И. Кочмарик бошқарган мазкур йиғилишда депутатлар Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги (иккинчи ўқиш) ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги (биринчи ўқиш) қонунлар лойиҳалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Улар сессия кун тартибини маъқулладилар. Депутатлар қўмитанинг кейинги фаолиятига оид масалалар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

* * *

Шунингдек, парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг ҳам сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси М. Сафаева Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибидан ўрин олган масалалар ҳақида ахборот берди. Сўнг кун тартиби депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланди. Бундан ташқари, депутатлар қўмитанинг жорий йилги фаолиятини кўриб чиқдилар. Йиғилиш ниҳоясида эса қўмитанинг 2004 йилги иш режаси белгилаб олинди.

* * *

Шу куни Матбуот ва ахборот қўмитасининг ҳам сессия олди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб парламентимизнинг навбатдаги сессиясига киритилиши мўлжалланган қонун лойиҳалари мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ҳужжатлар эканлигини таъкидланди. Сўнгра улар Ўзбекистон Републикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва маъқулладилар.

**Ўз мухбирларимиз.**

## *10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун*

*Давлат мадҳияси...*

*Унинг илк садоси, биринчи сўзи янграй бошлаши билан кўз олдимизда жонажон Ўзбекистонимиз гавдаланади. Чунки у – байроғимиз ва гербимиз каби, Давлат рамзи. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси жаранглаганда, ҳаммамиз уни тик туриб эшитамиз, жўр бўлиб куйлаймиз...*

# ВАТАН ВА ҒУРУР МЕЗОНИ

Мустақиллик – ҳар қандай давлатнинг биринчи белгиси. Айнан истиқлол туфайли тилимизда, демакки, онг-тафаккуримизда шундай кўп янги тушунчалар пайдо бўлдики, кўникиб кетганимиздан, айримларимиз худди аввалдан шундай бўлгандек тасаввурда ҳам юргандирмиз.

Давлат рамзлари тушунчаси шўро даврида ҳам бор эди. Эски тузумда ҳам Ўзбекистоннинг ўз байроғи, герби ва мадҳияси бўлган. Лекин улар, аслида, хўжакўрсинга қабул қилинган, бунинг устига, айнан мустамлакачилик руҳида эди. Ахир, ўзи қолиб, мустамлакачи давлат халқини: *Ассалом, рус хал-қи, улуғ оғамиз!* – дея улуғлаган мадҳия мадҳиями?

XX аср 80-йиллари ўрталаридан эркинлик ва демократия шабадалари эсиб, халқда ўзликни англаш қайта куртак отди. 1989 йил ёзидан эътиборан, аниқроғи, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлганидан кейин миллий уйғониш жараёни янада кучайиб, тезлашиб, жадаллашиб кетди.

1990 йил. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессияси Фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш ҳамда Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмиталарига Ўзбекистон ССР Давлат мадҳиясининг янги матнини ва мусиқасини тайёрлаш ишларини топширди. Қўмиталар танлов эълон қилди.

Беш ой давомида ёпиқ имзолар билан олтмишдан ортиқ шеърий матн келиб тушди. Қўмиталар қўшма мажлисида Давлат мадҳиясига қўйиладиган юксак талаблар асосида тўрт матн Олий Кенгаш Раёсатига тақдим этилди. Раёсат «Қўнғиртовлиқ» ва «Элбек» тахаллуслари билан ёзилган икки матнни матбуотда эълон қилиб, халқ муҳокамасига қўйишни маъқул кўрди.

Сир эмаски, «Элбек» – Азим Суюн, «Қўнғиртовлиқ» – Абдулла Орипов эди. Бу икки матн ҳам моҳиятан Ўзбекистонга мустақиллик насиб этишини орзу қилиб ёзилган эди, дейиш мумкин. Чунки, ҳозир биров ишонмас, лекин у даврларда тилимизда, ҳатто, «истиқлол» сўзи ҳам истеъмолга киритилмаган, одамлар уни тушунмас эди.

Ўзбекистон ССР мадҳияси матнлари танлови муҳокамаси охирига етиб-етмай, Ўзбекистон мустақилликка эришди. Энди замон тамоман бошқа руҳдаги мадҳияни талаб қилар эди. Энди қайтадан – расмона мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳиясини яратиш тадориги кўрила бошлади. Танлов янгидан давом эттирилди.

Шеър ва мусиқа фақат бирга ижро этилгандагина мадҳия бўлишини ҳисобга олиб, танловга тақдим этилган шеърий ва мусиқий асарларни холисона баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қошида махсус ишчи гуруҳи тузилиб, унга Давлат мадҳияси танловини ўтказишни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Гуруҳ таркибига таниқли мутахассислар киритилди.

Гуруҳ янги уч асарни Олий Кенгаш муҳокамасига тавсия этди.

Уч асардан дастлабки иккитаси танлов вақтида юқори баҳоларга сазовор бўлди. Лекин Мутал Бурҳонов илгари (1946 йили) яратган мадҳия мусиқаси кўп жиҳатдан мукаммал, ҳали ҳам мазкур жанрнинг барча талабларига жавоб берар даражада эди. Бу мусиқа амалда мустақилликнинг дастлабки, яъни янги Давлат мадҳияси қабул қилинганга қадар ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси вазифасини бажариб келди. Шуни ҳисобга олиб, Абдулла Орипов устоз бастакор билан ҳамкорликда бу мадҳия мусиқасига мос келадиган янги шеърий матн ёзди.

«Халқ сўзи» газетасининг 1992 йил 28 ноябрь сонида ана шу уч асар матни ва мусиқаси эълон қилинди ва у Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясида Абдулла Орипов ва Мутал Бурхонов ҳамкорлигида яратилган вариант қабул қилинди.

Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг дунёга келиши бир неча босқичдан иборат ўзига хос жараённи бошдан кечирди. Муҳими – бу босқичларнинг барчасида Абдулла Орипов алоҳида-алоҳида матни билан қатнашди. Шу тахлит мадҳия лойиҳаси матндан матнга ҳар жиҳатдан пишиб, мукаммаллашиб бораверди.

Мадҳия – алоҳида жанр, унинг ўз бадиий ва сиёсий-ижтимоий талаблари бўлади. Абдулла Ориповнинг Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида ёзган шеъри ҳар жиҳатдан шу талабларга жавоб беради.

Давлат мадҳияси сифатида қабул қилинган матн ҳар жиҳатдан – кую оҳанги, жаранг-садоси, мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий залвори тарафидан ҳам кучли.

Модомики, гап Давлат мадҳияси хусусида борар экан, Ўзбекистонимизнинг бош қўшиғини ижро этишдаги ўн бир йиллик амалиётни таҳлил қилишдан келиб чиққан айрим мулоҳазаларни билдириб ўтириш ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу мадҳиямизни кўпчилик бўлиб ижро этиш билан боғлиқ бир-икки таклифдан иборат.

Аввало шуки, мана, ўн бир йилдан буён мадҳиямиз ижро этилади. Шу давр мобайнидаги амалий ҳаётий тажрибалар «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»-ги Қонуннинг 7-моддасини қайта кўриб чиқишни тақозо этаётибди, деб ҳисоблаймиз.

Фикрларимиз тушунарли бўлиши учун аввал амалдаги Қонуннинг ўша 7-моддаси матнини тўлиқ келтирамиз: ***«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар».***

Мазкур Қонун ҳали бу борада Ўзбекистонимиз ўз миллий тажрибаларига эга бўлмаган бир маҳалда қабул қилингани учун, орадан йиллар ўтиб, бугун ундаги айрим ноаниқликлар кўзга яққол ташланиб қолди.

Аввало, миллий тийнатимизда имкон қадар бош кийимини, масалан, дўппини ечмаслик одати устун. Мадҳия янграётганда ҳамма дўпписи ёки қиш маҳали очиқ ҳавода бошқа бош кийимларини ечиши унчалар чиройли эмас ва бош кийимни бир қўлда ушлаб турган ҳолда мадҳия эшитиш ҳам маъқул кўринмайди. Энг муҳими, мадҳия ижроси маҳали амалда ҳеч ким бош кийимини ечаётгани йўқ.

Яна бир гап. Амалдаги Қонунда «қўлини чеккасига қўйиб» деган сўзлар айнан нимани ифодалаётгани номаълум. Биров уни «қўлларни икки ёнга тушириб туриш» деб, бошқа биров эса уни «ҳарбийларга ўхшаб ўнг қўлни пешонанинг чеккасига қўйиб туриш»ни («честь» беришни) тушунади.

Дунёнинг аксар давлатлари мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганидан кейин қарсак чалинади. Бизда ҳам амалда ҳамма беихтиёр қарсак чалади. Лекин Қонунда бу кўзда тутилмаган.

Халқаро спорт мусобақаларида кўрамизки, аксар давлатлар мадҳиялари янграганда шу мамлакат фуқаролари ҳурмат юзасидан ўнг қўлларини кўксига қўйиб эшитади. Шунга ўхшаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси жаранглаганда ҳам фуқароларимиз ўнг қўлни кўксига қўйиб тинглаяпти. Зотан, мадҳиямиз янграганда қўлни кўкракка қўйишни Юртбошимиз маъқуллаган эдилар. Бу – Ватанга, юртга, давлатимизга ҳурмат ифодаси.

Қонуннинг 8-моддасида ҳарбий қисмлар ва ички ишлар идораларида ижро этиш ҳарбий уставлар ва Ички ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солиниши кўзда тутилган. Бироқ мадҳия кўпчилик ҳузурида ижро этилганда ҳарбийлар ёки ички ишлар ходимлари ҳам иштирок этиши мумкин-ку. Бироқ 7-моддада бу инобатга олинмаган.

Шуларни назарда тутиб, қонуннинг 7-моддаси матнига қуйидаги тарзда ўзгартириш киритишни таклиф этамиз:

***«Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, ўнг қўлларини кўксиларига қўйиб, чап қўлларини ёнга туширган ҳолда, кўпчилик таркибида махсус кийимдаги ва бош кийими мавжуд ҳарбийлар ёки ички ишлар ходимлари бўлса, улар ўнг қўлларини бошларининг чеккасига қўйиб («честь» бериб туриб) тинглайди. Мадҳия аудио ва видеотехника воситалари ёрдамида қўйиб берилиши, иштирокчилар унга жўр бўлиши, шунингдек, иштирокчилар томонидан тўғридан-тўғри – ҳеч қандай техника воситаларисиз ижро этилиши мумкин. Мадҳия ижроси тугаганидан кейин кўпчилик томонидан қарсак чалиниши шарт».***

Ҳозир кўп таълим муассасалари душанба куни эрталаб ўқиш ҳафтасини айнан мадҳия-миз ижроси билан бошлайди. Талай идора ва ташкилотлардаги расмий йиғинларда аввал айнан мадҳиямиз жаранглайди. Халқаро мусобақаларда бирон спортчимиз ғолиб келганида Давлатимиз байроғи кўтарилади-да, мадҳиямиз янграйди. Шунда Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ирода Тўлаганова ва бошқа вакилларимизнинг қалбидан нималар кечгани-ю, бу уларнинг юз-кўзида қандай ифода топганини кузатганмисиз?!

Ҳар ҳолда, буни сўз билан тасвирлаб бериш мушкул. Чунки ҳали одамзот Ватанга меҳр ва ғурур кучини ўлчайдиган мезон топган эмас...

**Султонмурод ОЛИМ.**

# «БУ КОШОНАДА ЮЛДУЗЛАР ЕТИШАДИ!»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз бу натижаларга бежиз урғу бераётганимиз йўқ. Чунки фарғоналик совриндор гимнастикачиларнинг деярли барчаси мана шу ярим асрлик тарихга эга бўлган мактабда камолотга етишган. Улар нуфузли мусобақадан қайтишганда эса, мактаблари таниб бўлмас даражада ўз қиёфасини ўзгартирган эди. Чунки катта тўй баҳонасида вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати, ташаббуси туфайли у уч ой ичида тўлиқ қайтадан таъмирланди. Хатто спорт ускуналаридан тортиб, мебель ва маиший жиҳозларигача тўла янгиланди.



Шуниси эътиборга сазоворки, спорт кошонасини таъмирлашга сарфланган 150 миллион сўм маблағнинг асосий қисмини ҳомийлар беришди. Олимпия заҳиралари мактаби биноси таъмирланаётганлигини эшитган шаҳар ва вилоятдаги турли ташкилотларнинг жамоалари кўрсатма ва топшириқларсиз, ҳимматлари етганча ёрдам кўрсатиш истагини билдирдилар.

– Юртбошимизнинг «Мамлакатни спортчалик ҳеч бир нарса дунёга машҳур қилмайди» деган сўзлари доимо ёдимда, – дейди вилоят бозорлар уюшмаси бошқаруви раиси Йўлдош ака Абдусатторов. – Гимнастика мактаби биносининг қайта таъмирланаётганлигини эшитиб, бу ишга камарбаста бўлишга шайландим. Уюшма йиғилишида бу фикримни жамоа билан ўртоқлашдим. Ҳамма ҳомийлик қилишга рози бўлди. Ҳозиргача мактабни таъмирлаш ишларига 40 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратдик. Йил якуни бўйича даромадларимиз кутилганидан зиёд бўлса, спорт анжомлари ва жиҳозлари сотиб олишда ҳам баҳоли қудрат ёрдам берамиз.

Бугун фарғоналик ёш гимнастикачилар ўз мактаблари биносини жаҳон андозалари даражасига етказишда қўлларидан келган ёрдамни аямаган Марғилон ва Қиргули ёғочни қайта ишлаш корхоналари, «Азот», «Сунъий толалар», «Сунъий чарм» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг саховатли жамоаларига ҳам самимий миннатдорчилик билдиришмоқда.

Ёз ўрталарида бу ерда ишга жадал киришилган бўлса, кузнинг адоғига келиб, таъмирлаш, спорт жиҳозлари билан таъминлаш ишлари тўла тугалланди. Куни кеча эса ана шу спорт кошонасини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимиз биринчилигида умумжамоа бўйича иккинчи ўринни эгаллаган мазкур мактаб гимнастикачиларига олтин ва бронза медаллари ҳамда қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига эндигина бир йил тўлди. Шу қисқа вақт ичида Фарғона вилоятида болалар спортини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ёш иқтидорли спортчиларни тарбиялаш учун пойдевор яратиш борасида мисли кўрилмаган ишлар рўёбга чиқарилди. Фақатгина мавжуд спорт мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, янги спорт иншоотларини барпо қилиш юмушларига салкам 1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бошқача айтганда, 14 та ўйингоҳ, 177 спорт зали, 2500 дан зиёд спорт майдончасида нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида вилоятнинг 100 га яқин маҳалласида спорт мажмуалари бунёд этилиб, қишлоқ болаларига туҳфа қилинди. Ҳозирги кунда бу спорт иншоотларида 165 мингдан зиёд мактаб ўқувчилари қатнашаётган бўлса, ихтисослашган спорт мактабларида эса 42 минг нафардан кўпроқ иқтидорли болалар спортининг 20 дан зиёд тури билан мунтазам равишда шуғулланишмоқда.

Айни кунларда белгиланган дастур бўйича энг замонавий талабларга жавоб берадиган 5 та спорт иншооти барпо этилаяпти. Хусусан, Фарғона шаҳридаги «Истиқлол» теннис корти ёнида қурилаётган Олимпия заҳиралари спорт коллежи мамлакатимиздаги энг маҳобатли мажмуалардан бири бўлиши, шубҳасиз. Ҳозиргача ушбу салобатли иншоот қурилишига 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу ерда ёшларнинг спортнинг 14 тури бўйича ўз маҳоратларини оширишлари учун барча шарт-шароитлар ва қулайликлар яратилади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
BANK

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

# Инсонпарварликда янги қадам

(Давоми. Боши 1-бетда).

2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги Ўзбекистонда амалий инсонпарварлик сиёсати борасида навбатдаги хайрли, олижаноб бир қадамдир. Меҳр ва мурувват йили, айниқса, халқимизнинг чиндан ҳам давлат, жамият ва кенг жамоатчилик кўмагига муҳтожлик сезиб келаётган қатлами учун кириб келаётган Янги йил арафасида тақдирнинг ноёб мукофотидай туюлган бўлса, ажаб эмас. Чунки 2004 йилда меҳр ва мурувват мақсадларига хизмат қилувчи улкан қамровли давлат дастури амалга жорий этилади. Ушбу дас-турга биноан жамиятда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронларга, етим-есирларга, бевабечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга амалий,моддий ва маънавий кўмак берилади. Мамлакатдаги меҳрибонлик, ногиронлик уйлари, шифохоналари ва бошқа тегишли муассасаларнинг моддий-техник ва ижтимоий-маънавий негизлари замон талаблари даражасида яхшиланади.

Халқимизнинг меҳр-мурувватли инсоний табиати тарих синовидан кўп марта ўтган. Агар яқин тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ иттифоқнинг Европа қисмидан кўчириб келтирилган турли миллат ва элатларга мансуб юз минглаб оилалар, миллионлаб уруш жабрдийдалари, айниқса, болалар ўзбекнинг хонадонидан бошпана, бисотидан ризқу насиба, қалбидан меҳр-мурувват топганлиги аҳли оламга аён. Буни ўша машъум йилларда бошига кулфат тушиб, Ўзбекистонга келиб қолган, бу ердан ўзига ватан ва ўзбек халқидан меҳр-эътибор топган одамларнинг ўзлари ҳам изҳор этганлар. Рус миллати вакили, шу билан бирга, Ўзбекистонда ўсиб вояга етган, ўзбек халқининг тили, гўзал урф-одатлари ва анъаналарини чуқур ўзлаштирган ҳамда бугунги кунда пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаётган, «Дўстлик» ордени нишондори Михаил Киктевнинг 5 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросимида сўзга чиқиб, халқимиз шаънига айтган илиқ меҳр-муҳаббатли қалб изҳорлари ҳам мана шу улкан ҳақиқатнинг самимий эътирофларидан биридир.

Жамият бор экан, унинг ютуқлари билан бир қаторда ҳал этиладиган вазифалари, муаммолари ҳам бўлаверади. Ҳамма гап — уларни кўришда ва ҳал этишга интилишдадир. Масалан, биз «Обод маҳалла йили»ни якунлар эканмиз, бу унинг барча масалаларини ҳал этдик, деган хулосани чиқаришга сабаб бўла олмайди. Жумладан, маҳаллаларда кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, бунинг устига, ногиронлар, ёлғиз қариялар бор ва улар давлат, жамият ва биз, фуқароларга муҳтож бўлиб қолаверади. Шу маънода, чиндан ҳам, Меҳр ва мурувват йили биз хайрлашиш арафасида турган «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давомидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат ҳисобланади. Модомики шундай экан, жамиятда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш ҳам меҳр ва мурувватлиликнинг таркибий, муҳим кўринишларидан биридир. Халқимизнинг бағрикенглиги кундай аён. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» деган чуқур мазмунли ибора ҳам унинг бағрикенглик фалсафаси манбаида туғилган ҳикматлардан биридир. Айрим мамлакатларда, сир эмас, миллий бағриторлик тамойиллари яшириб бўлмас бир муаммога айланиб турибди, антисемитизм, шовинизм ғояларини кураш дастурига айлантирган миллатчи гуруҳлар, фашистик, тақирбош тўдалар пайдо бўлаяпти. Замонамизнинг бундай мураккабликлардан холи бўлмаган шароитида Ўзбекистонда инсон қадр-қимматининг ҳар нарсадан юқори қўйилиши, меҳр ва мурувват ҳис-туйғуларининг улуғланиши ва келаётган Янги йилимизда ана шу эзгу инсоний интилишларнинг устуворлигини таъминлашга қарор қилинганлиги ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, Ватанимизнинг оламаро обру-эътиборини сарбаланд қилади.

**М. САФАРОВ.**

*Футбол*

# Жаҳон чемпионатига қуръа ташланди

Ўтган ҳафта Франкфурт шаҳрида 2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш ўйинларига қуръа ташланди. Унга кўра, Осиёнинг 32 давлат терма жамоаси аввалига 8 гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб борадилар. Унда ғолибликни қўлга киритган жамоалар яна икки гуруҳга бўлинишади. Гуруҳларда биринчи, иккинчи ўринни эгалаганлар тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати финал ўйинларига йўл оладилар.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси иккинчи гуруҳда Хитой Тайпеи, Ироқ ва Фаластин футболчилари билан кейинги босқичга чиқиш учун баҳслашади. Хабарларига қараганда, Осиё футбол Конфедерацияси миллий терма жамоамиз иштирокидаги учрашувларни Тошкент ва Бағдод шаҳарларида ўтказишни режалаштирмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

ТАРЖИМОНЛАР ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

ПОКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ ТАРЖИМОНЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Талаблар қуйидагича:
- олий ўқув юртида рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш бўйича курсларда таълим олган;
- рус ва инглиз тилларини ёзма ва оғзаки равишда равон билган;
- компьютердан аъло даражада фойдалана оладиган.

Ойлик маош билимга ва тажрибага асосланиб белгиланади.
Элчихонада суҳбатдан ўтиш бепул.

Хоҳловчилар резюмеларини шу йилнинг 15 декабрига қадар қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Абдураҳмонов кўчаси, 15-уй, Покистон элчихонаси.
Телефонлар: 148-05-25, 144-20-73.
Факс: 144-79-43, 144-08-76.

«ҲИМОЯ»
ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
- дебиторлик қарзларини ундириш;
- ҳар қандай хўжалик низоларини кўриб чиқиш;
- корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
- шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
- чет эл ваколатхоналари аккредитацияси;
- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш;
- уй-жой фондини нотурар жойга ўтказиш;
- корхоналарни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.

HIMOYA
Хизматлар лицензияланган.
Тошкент ш., А.Икромов к., 13-уй (Мўлжал – метронинг «Х.Олимжон» бекати).
Телефонлар: Тошкент ш.: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72.
Бухоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

«ЎЗБЕКИСТОН» ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
сизларни Кисловодск шаҳрида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиҳатгоҳида табиат қўйнида Янги 2004 йилни қаршилаб олиб, ҳордиқ чиқариб, соғлиғингизни тиклаб олишингизни таклиф қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ УЧУН БАЙРАМ ОЛДИДАН НАРХЛАР АРЗОНЛАШТИРИЛГАН.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 65-уй.
Телефонлар: 133-55-18, 132-13-67, 133-64-92.
WEB-сайт: http://uzbekiston.atm.uz
E-mail: AOUZB@rol.ru

*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ПУДРАТ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (ТЕНДЕР) БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИНИНГ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

1. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Сарикўл қишлоғидаги 17- бизнесмактаб биносини 600/50 ўринли иқтисодиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 8 ой.*
2. Самарқанд вилоятининг Ургут туманида 600 ўқувчи ўринли педагогика-ижтимоий йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 24 ой.*
3. Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида 600 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 14 ой.*

*Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.*
*Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: 35-82-86.*

Қурилиш ишлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Самарқанд вилояти филиалига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.**
Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 40000 сўм.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида, соат 18.00да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.**

*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ПУДРАТ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (ТЕНДЕР) БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИНИНГ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

1. **Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Ш.Назаров номли ширкат хўжалигидаги №15 ҚХБЮни 500 ўқувчи ўринли қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 7 ой.***
2. **Самарқанд вилоятининг Иштихон шаҳридаги №28 махсус касб техника-ҳунар билим юртини педагогика ижтимоий соҳа йўналиши бўйича 750/50 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 7 ой.***
3. **Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 600 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 30 ой.***

*Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.*
*Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: 35-82-86.*

Қурилиш ишлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Самарқанд вилояти филиалига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.**
*Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 40000 сўм.*
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида, соат 18.00да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.**

